

Разия МАТИБАЕВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар кафедраси
доценти, тарих фанлари доктори

АРАБ ТИЛИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА АРАЛАШ ТАЪЛИМДАН Фойдаланишнинг ўзига ХОС ЖИХАТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СМЕШАННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

FEATURES OF USING BLENDED LEARNING IN TEACHING THE ARABIC LANGUAGE

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий таълим турларидан бири бўлган аралаш таълим (Blended learning) методининг амалиётга жорий этилишининг амалий масалаларига бағишланган бўлиб, олий таълим муассасаларида аралаш таълим услубини амалиётга жорий этиш, замонавий таълимда аралаш таълимнинг аҳамияти каби масалаларни ўз ичига олган, жумладан Ўзбекистон халқаро ислом академиясида араб тилини ўқитишда мазкур методдан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилиб, тавсиялар ва таклифлар ёрдамида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: замонавий таълим, инновацион технология, аралаш таълим, услуб, араб тили, ўқув машғулотлари.

Аннотация. Статья посвящена практическим вопросам внедрения в практику смешанного метода обучения, являющегося одним из современных видов образования, и охватывает такие вопросы, как внедрение смешанного метода обучения в практику работы высших учебных заведений, значение смешанного образования в современном образовании, включая особенности использования этого метода в преподавании арабского языка в Международной исламской академии Узбекистана. проанализированы и проиллюстрированы с использованием рекомендаций и предложений.

Ключевые слова: Современное образование, инновационные технологии, смешанное образование, метод, арабский язык, практические занятия.

Annotation. The article is devoted to practical issues of introducing a mixed learning method, which is one of the modern types of education, and covers issues such as the introduction of a mixed method of training in the practice of higher educational institutions, the importance of mixed education in modern education, including the features of using this method in the teaching of Arabic Language in the International Islamic Academy of Uzbekistan. Analyzed and illustrated using recommendations and suggestions.

Keywords: modern education, innovative technologies, Blended learning, method, Arabic, practical classes.

Араб тили ўқув машғулотларида аралаш методдан фойдаланиш. Аралаш таълим (Blended learning) чет тилларини ўқитишда турли хилдаги метод ва усуллардан фойдаланишга имкон яратади. Академиядаги Мумтоз шарқ филологияси факультети анча вақтдан буён ўқитишда энг замонавий таълим методларини таълим жараёнига тадбиқ қилиш устида иш олиб бормокда. Электрон таълим шубҳасиз булар ичида энг самарали йўл ҳисобланади. Дастлабки вақтларда АКТ ўқитувчилари бу билан шуғулланган бўлсалар, кейинчалик бошқа фан ўқитувчилари уларга эргаша бошлади. Аввалига электрон қурилмалардан фойдаланиш баъзи чет тили ўқитувчилари учун мураккаблик қилди, чунки чет тилини ўқитувчи билан юзма-юз алоқа ва оғзаки мулоқотсиз тасаввур қилиш қийин эди. Ҳар қандай вазиятда ҳам, чет тилларини ўқитиш мулоқот, акустик эшитиш, жамоавий яхлитлик, гуруҳ бўлиб ишлашни талаб қилади.

Шундан келиб чиқиб, чет тиллар ўқитувчилари, электрон воситалардан фойдаланган ҳолда дарс бериш усулларида фойдаланиб, аралаш таълим шакли сифатида фойдаланиладиган онлайн (online) курсларни яратишга киришдилар. “Аралаш таълим” (Blended learning) методидан анъанавий юзма-юз ўқитиш ва электрон ўқитиш методлари уйғунлигида фойдаланилди. Энг сўнгги ўрганишларга кўра, тил ўқитишдаги Blended learning икки асосий йўналишни ўз ичига олмакда: синхроник ва асинхроник ўқитиш.

Синхроник ўқитишда барча иштирокчилар уларга берилган билимни бир вақтда автоматик тарзда қабул қилади ва ўзаро бир бирлари билан фикр алмашиб реакция билдира оладилар.

Асинхроник ўқитишда эса турли талабаларга турли хил вақтларда таълим амалга оширилади ва улар ўзлари билимнинг қандай усулда, қандай тезликда олишни танлаш имконига эга бўладилар, уларга берилган вақтда эса ўзаро алоқа қила олмайдилар.

Талабалар ўқув йили давомида ўз мутахассисликлари доирасида белгиланган чет тилини ўрганишдан ташқари бир нечта қўшимча тилларни ҳам ўрганиш имкониятига эгадирлар. Кўп ҳолларда танлов араб тили, инглиз тили, рус тили ва форс тиллари доирасида бўлади. Талабаларга тил ўрганишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида ЎзХИАда чет тилларини ўқитиш online курслари, таржимонлик клуби, ёзма инглиз тили курслари ва шу каби бир қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Бу курслар ўқитувчи ва талабанинг эҳтиёжлари, талабанинг билими, ўқитувчининг узоқ йиллик тажрибаси ва албатта, талабаларнинг замонавий технологияга бўлган ижобий ёндашувига асосланади.

а) Таржимонлик клуби. Таржимонлик соҳасига кириш сифатида дастлаб таълим муассасида ўқийдиган биринчи курс талабаларига ўқув машғулотларига қўшимча тарзда таржимонлик тўғараклари ҳам ташкил қилинган бўлиб, уларда кўп йиллик улкан тажрибаларга эга бўлган ва давлат раҳбарларининг шахсий таржимони сифатида қатор йиллар иш фаолияти олиб борган таржимонлар шахсан ўзлари талабалар билан очик суҳбатлар олиб борадилар ва махсус ишлаб чиқилган дастур асосида клуб фаолияти давом эттирилади. Бошқа катта курсларда ўқувчи талабалар эса бириктирилган ўқитувчилар бошчилигида мустақил ҳолда таржимонлик фаолияти билан шуғулланадилар ва бажарган ишларини ўқитувчиларига кўрсатадилар.

Таржимонлик клубида араб тилидан ўзбекчага, ўзбекчадан арабчага, арабчадан инглиз тилига ва инглиз тилидан араб тилига таржима қилишда виртуал таълим муҳитини яратиш ва белгиланган йўналишлар асносида матн ва турли топшириқлар жамланмасини йиғиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, таржима фаолиятига энди кириб келаётган ҳар бир талабага алоҳида ўз имконияти, қизиқиши ва салоҳиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида топшириқ берилади. Виртуал муҳитда ишлаш талабани илҳомлантиради, чунки улар дарҳол

ўз ишларини баҳоловчи кўрсатма ва изоҳлар, баъзи тушунтиришлар ва берилган топшириқни мукамал бажариш учун керак бўлган таклифлари бир зумда олиш имкониятига эгалар.

Назарий бошланғич тушунчаларни бериш тилнинг асосий хусусиятларини очиб беради. Машғулотларда асосий эътибор таржима соҳаси ва тил ҳодисаларининг вазифаларига қаратган ҳолда, синхрон ва амалий таржима жараёнларида юзага келувчи умумий ва фарқли вазиятлар ҳамда ўша вазиятларда қандай йўл тутиш хусусида аниқ ва жонли муҳит яратилади. Бундан ташқари қилинаётган таржиманинг она тилидаги таржимасининг муқобили жонли тилига қанчалик даражада мос келади ва ҳар бир талаба қилган таржимасининг рақобатбардошлиги ва масалага қай тарзда ечим топиш усулига кўра баҳоланади.

Талабага бериладиган энг биринчи топшириқ интернает орқали одатий газета ва журналларда берилган мақолалардаги услубий хатоларни топиш ва уларни талабга мос ҳолда тўғирлай олиш кўникмаси ҳисобланади. Кейинги топшириқ эса хорижий тилда берилган матнни ўқиш ва унинг асосий тузилиши ва мазмунини ўқувчининг ўз шахсий сўзлари билан ёритиб беришдир. Шу каби топшириқларни бажариш орқали талаба матннинг тузилиш жиҳатдан вазифавий анализини қандай қилиб тушунишни ўргана бошлайди. Бу каби рақобатбардошлиликни ошириш профессионал журналлардан мақолалар бериш ва уларга қўйиладиган талабларни ошириб бориш билан ривожлантирилади.

Талабаларнинг топшириқлари қуйидагича ташкил этилади:

- хорижий тилда (араб тилида) берилган матнни ўқиш ва унинг мазмунини ўз сўзлари билан она тилида (ўзбек тилида) айтиб бериш;
- хорижий тилда (араб тилида) берилган матн мазмунини иккинчи хорижий тилда (инглиз тилида) баён қилиш;
- хорижий тилдаги (инглиз тилидаги) матнни ўқиш ва мазмунини араб тилида ўз сўзлари билан айтиб бериш;
- арабча матнни инглизчага таржима қилиш ва таржима қилинган инглизча вариантни яна қайта арабчага таржима қилиш (асл арабча манбага қарамаган ҳолда);

– ҳосил бўлган таржималарни бир бири билан таққослаш ва улар ўртасидаги асосий фарқни кўрсатиш.

б) Online ёзма чет тили (инглиз тили) курслари. Ёзма хорижий тилларни (инглиз тилини) ўқитиш курсларида асосий эътибор ёзма хорижий тил (инглиз тили) матнларига қаратилади, чунки ёзма тил (ёзма шартномалар, фармон ва фармойишлар, баённомалар ва электрон ҳужжатларнинг ёзма кўринишлари) асосий алоқа алмашинуви кўринишлари ҳисобланади ва кўпчилик талабалар бу каби матнларни тушунишда қийналишади. Шунинг учун бу курснинг асосий мақсади талабаларнинг ёзма тил ҳақидаги билимларини ошириш ва тил ўрганиш жараёнида ўзларининг салоҳиятларига мос ҳолда илҳомлантириш ва улар эришаётган ва йўл қўяётган камчилик ва ютуқларга дарҳол шарҳлар бериш ҳисобланади. Курс давомида ўқитувчи бошқа малакавий соҳаларга, масалан, оғзаки ва эшитиш қобилиятини ривожлантирувчи тажрибавий соҳаларга асосий эътибор қаратса, ишлаб чиқилган online курслар эса хорижий ёзма тилни ўқитишнинг бутунлай ўрнига ўрин босувчи кўриниши ҳисобланади ва унда ўқитувчи томонидан ҳар бир талаба учун махсус ишлаб чиқилган материаллар берилган бўлиб, бу манбалар ҳозирги кун электрон маркетларда йўқ.

2019/2020 ўқув йили иккинчи семестри бошланишида Ўзбекистон халқаро ислом академияси Мумтоз шарқ филологияси факультетида Филология ва тилларни ўқитиш (араб тили) йўналиш биринчи курс талабалари билан араб тили фани бўйича аралаш таълимни амалиётга жорий қилиш бўйича кичик тадқиқот ўтказилди.


Тадқиқот услуги. Тадқиқот услуги миқдор (quantitative) ва сифат (qualitative) кўрсаткичларига таянган ҳолда олиб борилди. Академиядаги Мумтоз шарқ филология факультети талабаларининг ўқув йили якунида хорижий тил, яъни араб тили бўйича олган билимларини тақдимот услугида намоиш қилиб беришлари юклатилди. Талаба ва бириктирилган ўқитувчиларнинг шарҳлари ва изоҳлари, талабаларнинг ўз устида ишлаган ҳолда чиқарган хулосалари миқдор кўрсаткичини, талабаларнинг бажарган тақдимотлари эса сифат кўрсаткичини белгилаб беради.

Тадқиқот иштирокчилари. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Мумтоз шарқ филологияси факультети Араб тили йўналишининг 30 нафар талабалари бу лойиҳада иштирок этди. Гуруҳ 26 нафар қиз бола ва 4 нафар ўғил болалардан ташкил топган. Қуйида улар эришган натижалар билан танишишингиз мумкин.

Тадқиқот воситалари. Тадқиқот воситалари сифатида талабаларнинг бажарган мультимедиа тақдимотлари, ўзлари томонидан тайёрланган матн варақалари ва компьютер қурилмалари кўрсатилади.

Талабаларнинг презентациялари (арабчада) ва тақдимот матни (ўзбекчада). Талабалар тақдимот аввалида жами 30 киши кўнгилли ҳолда 6 кун мобайнида 5 кишидан гуруҳларга бўлиниб тақдимотларини топширишга келишиб олдилар. Талабаларнинг кўпчилиги уларга берилган араб тилидаги мавзулари билан яхши таниш эдилар ва тақдимот яратиш жараёнида электрон воситалар ва интернет билан ишлаш улар учун қийинчилик келтириб чиқармади. Уларнинг ҳар биридан тақдимот тайёрлаш ва қолган талаба ҳамда ўқитувчилар олдида тақдимот қилиб бериш вазифаси юклатилди. Улар тайёрлаган маълумотларни 5 дақиқа ичида тақдимот қилишлари керак эди.

Тадқиқотнинг амалга оширилиши. Тақдимотни тайёрлаш 4 босқичда амалга оширилди (қуйида акс этганидек).



Бу лойиҳа юзма-юз таълим (Face to face) ва тақдимот қилиш жараёнларини режалаштиришни ўз ичига олган.

Биринчи босқич 4 ҳафта давомида талаба ва бириктирилган ўқитувчи ўртасида юзма-юз ўргатиш жараёнини ўз ичига олади.

Иккинчи босқич эса 5 ҳафтадан бошланади ва талабадан ўзи мустақил ҳолда 7 кун мобайнида тақдимот материални тайёрлаш талаб қилинади. Олтинчи ҳафтада талабадан ўзи тайёрлаган ва бошқа курсдошлари

тайёрлаган материалларга шарҳлар бериш сўралади, кейин бириктирилган ўқитувчилар барча талабаларнинг бажарган ишларига изоҳ ва тузатишлар киритишади. Саккизинчи ҳафтада ҳар бир талаба ўз тақдимотларини битказишади.

Учинчи босқич 2 ҳафтадан иборат бўлади ва талаба эришган ютуқ ва камчиликлари кўриб чиқиладди ва ўнинчи ҳафтада барча талабалар ўз тақдимотларини бутун гуруҳ олдида намойиш қиладилар. Бу талабаларга жонли муҳитда асосий тақдимот жараёнига қадар кичик тайёргарлик жараёни вазифасини ўтайди ва курсдошлари ўртасида жонли муҳокама муҳити яратилади. Презентация кўринишида ўрганиш ва юзма-юз ўқитиш методлари бирлашмаси сифатидаги метод тўлақонли даражада амалга оширилиши учун тўртинчи босқич яъни барча талаба ва профессор-ўқитувчилар олдида тақдимот намойиши ўтказилади, йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқлар тўғрисида профессор-ўқитувчилар ўз фикрларини билдиришади.

Натижа ва муҳокамалар. Натижа ва муҳокамалар қисми йўналиш берган ўқитувчининг талаба муваффақиятга эришишидаги ҳиссаси намён бўладиган қисм бўлиб, талабалар тақдимотлари сўнггида уларга берилган синов саволларига берган жавоблари, ўқитувчиларнинг фикрларини ўз ичига олади.

Талабанинг ўз чиқишини амалга ошириш жараёнида эришган ютуғи. Талабанинг ўз чиқишини амалга ошириш жараёнида эришган ютуғи таҳлили турли хил гуруҳлар ўртасида таққослаш орқали амалга оширилади ва тақдимот жараёнида ўзини яхши тутган талабалар аниқланади.

Энг муваффақиятли гуруҳ. 30 кишидан иборат талабалар гуруҳидан 12 таси (40%) бошқаларга нисбатан энг муваффақиятли тақдимот қилиб беришди. Улар тақдимот жараёнида берилган мавзунинг ёритиб беришда талаффуз меъёрларига тўлиқ амал қилган ҳолда, ўртача гапириш тезлиги билан аниқ, лўнда гапирганликлари, ўзларига ишонч билан юз тузилишлари ва ўзларини тутишлари талабга жавоб берадиган даражада қатнашдилар.

Мазкур тақдимот кўринишида мавзунинг ёритиб бериш тадқиқот ўтказилган гуруҳ

талабаларига жамоа олдида ўзини тутиш, мавзунинг қай тарика ёритиб бериш, компьютер дастурларидан фойдаланиш борасида катта малакавий иш вазифасини ўтади. Ўз қилган ишини бошқалар олдида ҳимоя қилиш, ўз камчиликларини тўғирлаш ва ўз кучига ишониш каби ҳиссиётларни талабаларда шакллантиришда катта тажриба мактаби бўлди.

Талабалар томонидан тақдимотга берилган изоҳлар анализи. 30 та талаба жами 5 гуруҳга бўлиниб ўз ишларини тақдим этдилар ва тақдимот жараёнида ўз курсдошлари ва ўқитувчилари томонидан берилган таклиф ва тузатишлардан келиб чиқиб 10 баллик тизимда баҳоландилар. Тақдимот услуги, артикуляция ва овоз тони, медиа воситаларидан фойдаланганлиги ва мавзунинг ёритилиш даражасига кўра ўз балларини йиғишди.

Талабаларнинг бу тадқиқотга муносабатлари. Талабаларнинг ўтказилган тадқиқотга билдирган фикр ва мулоҳазалари қуйида бериладиган 2 та жадвалда акс этади. Талабалар томонидан берилган ўхшаш шарҳ ва изоҳлар жамланган бўлиб, ўтказилган тадбирнинг афзаллик ва камчилик томонлари ва Blended learning (аралаш таълим) методидан фойдаланиш уларга нима берганлиги тўғрисида фикрлар келтириб ўтилади.

	Талабаларнинг тақдимот тайёрлаш жараёни ҳақида ижобий фикрлари даражаси	шарҳлар тақро-рийлиги
1	Тақдимотимнинг кучли ва заиф нуқталарини ўз курсдошларим орқали билиб олдим ва бу хатоларни тўғрилаш имкониятига эга бўлдим	10
2	Тақдимотни уйда тайёрлаш синфхонада тайёрлашдан кўра қулай ва бунда вақт тежалади	8
3	Тақдимот тайёрлаш менга ўз тенгдошларим ва ўзимнинг талаффуз ва юз ифодасидаги ютуқ ва камчиликларни яққол кўриш ва тўғирлашга имкон яратди	6
4	Мустақил тақдимот яратиш жуда қизиқарли ва бу аралаш таълим тизимида ўрганишнинг янги бир усули эканини билдим	3
5	Биз ўзимиз яратган тақдимот ҳақидаги изоҳ ва таклифларни, нафақат, ўқитувчимиздан, балки, тенгдошларимиздан ҳам эшитдик	3

Юқорида берилган жадвалга кўра, “Такдимотнинг кучли ва заиф нуқталарини ўз курсдошларим орқали билиб олдим ва бу хатоларни тўғрилаш имкониятига эга бўлдим” деган фикр талабалар ўртасида энг кўп учради ва ўз яқин дўстлари ва тенгдошларидан олган фикр ва мулоҳазалари орқали ўзларида руҳланиш пайдо бўлиб, тил ўрганишда самарали натижаларга эга бўлдилар.

	Талабаларнинг такдимот тайёрлаш жараёни ҳақида салбий фикрлари даражаси	шарҳлар тақрорийлиги
1	Такдимотнинг ҳажми жуда катта бўлганда уни намойиш этиш қийин ва кўп вақтни олади	16
2	Такдимот тайёрлаш жараёни кўп вақт олади, қачон жуда асабий ёки чарчаган бўлсам, нима ёзишим кераклиги эсимдан чиқиб, қайта-қайта тайёрлашимга тўғри келади	8
3	Уйда такдимот тайёрлашда юзма-юз учрашувлар бўлмайди	6

Кейинги жадвалга кўра, “Такдимотнинг ҳажми жуда катта бўлгани учун уни намойиш этиш қийин ва кўп вақтни олади” ва “Такдимот тайёрлаш жараёни кўп вақт олади, қачон жуда асабий ёки чарчаган бўлсам, нима ёзишим кераклиги эсимдан чиқиб, қайта-қайта тайёрлашимга тўғри келади” деган фикр талабалар ўртасида такдимот ҳақидаги салбий фикрларни яққол ёритиб берди.

Талабалар билан интервью. Такдимотнинг сўнгги ҳафтасида 30 та талаба ўртасида кўнгиллилар билан суҳбат олиб борилди ва улар аралаш таълим тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар.

1. Курсингиз учун Blended learning (аралаш таълим) моделидан фойдаланиш нима берди?

– Менимча, аралаш таълим яъни таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда аудитория билан юзма-юз ишлаш талабаларда тил ўрганишга иштиёкни оширди.

– Менинг фикримча, биз бу тарзда аралаш таълимдан фойдаланишни янада кенг қамровда бутун ўқув йили давомида амалга оширишимиз керак.

– Такдимот услубида ўзимиз ўрганган маълумотни ўз тенгдошларимиз олдида кўрсатиб бериш улар учун янги маълумотларга эга бўлиш имконини берган бўлса, ўзи учун

омма олдида гапириш ва ўз айтаётган фикрини ҳимоя қилиш кўникмасини ҳосил қилишда катта ёрдам берди.

2. Ўқитувчилар яна нималарга эътибор бериши керак деб ўйлайсиз?

– Балки, йиғилган маълумотларни текшириб, фақатгина кўрсатмалар беришдан ташқари компьютердан қандай фойдаланиш ва дастурлар билан қандай ишлаш тўғрисида ҳам йўналтириш беришса яхши бўларди.

– Ўқитувчилар талабаларга нафақат такдимот тайёрлашда нималарга эътибор бериши, ранг танглаш, маълумотлар кетма-кетлиги ҳақида ҳам тушунча беришлари лозим.

– Менимча ўқитувчилар такдимот жараёнидан олдин талаба тайёрлаган ишни кўриб чиқиб, талабадаги талаффуз билан боғлиқ камчиликларни тузатиш, гапириш оҳанги ва юз артикуляцияси қай ҳолатда бўлиши кераклиги ҳақида ҳам йўлланма беришлари керак эди.

3. Аралаш таълимнинг қайси қисми сизга энг кўп ёқди ва қайси қисми энг кўп ёқмади?

– Аралаш таълимда кўпроқ талаба учун қулайликлар мавжуд. Такдимот тайёрлаш жараёнида ҳам кўпгина қисми уйда бемалол бажариш имкони бор, лекин баъзида жуда кўп вақтни олади.

– Энг кўп ёққан қисми такдимот жараёни бўлди, чунки кўпчиликнинг олдига чиқиб гапириш осонмас ва сахна кўркевини енгил талаб қилинади.

– Биз тайёрлаган такдимотда берилган мавзу юзасидан пухта тайёрланган маълумотлар жой олади ва биздан кейин фойдаланмоқчи бўлган талаба учун ҳам яхши қўлланма вазифасини ўтайди.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда 19 та талаба (72%) талаба аралаш таълим услубида такдимот тайёрлашни фойдали деб топди ва келгусида ҳам ушбу методдан фойдаланиш талаба ва ўқитувчилар учун самарали натижаларга олиб келади деган фикрда эканликларини кўрсатишди. Аралаш таълим методи талабаларга омма олдида гапириш, ўзлари олиб бораётган мавзу юзасидан кенг қамровда интернет тармоғи ва электрон дарсликлардан фойдаланган ҳолда маълумотлар базасини йиғиш, компьютердан қандай фойдаланиш каби кўникмалар шаклланишида жуда қўл келди.

Раналли¹ да таъкидлангани каби, тил ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш талабалар ўртасида ҳамкорликни таъминлайди ва тилнинг ишлатилиш доирасида имкониятларнинг кенгайишига олиб келади. Биз юқорида олиб борган тақдимот услубида ўқитиш ҳам шу доирада амалга оширилган ишлардан бири ҳисобланиб, тил ўқитиш жараёнида аралаш таълимдан фойдаланишнинг натижавийлигини кўрсатиб берди.

Тақдимот кўринишида Blended learning (аралаш таълим)дан фойдаланиш тил ўрганувчилар учун маҳсулдор ва самарали йўл бўлди. Талабалар ўзларининг Blended learning (аралаш таълим) методига катта қизиқиш ва ундан мамнун эканликларини билдиришди.

Тақдимот қилиш 82% талабалар учун омма олдида гапириш, тўғри талаффуз қилиш, юз ифодаси, ўзини тутиш ва имо-ишоралардан фойдаланиш борасида кўникма ҳосил қилишда катта ёрдам берди.

Талабалар, шунингдек, компьютер ва ундаги дастурлардан қандай фойдаланиш ва тақдимот тайёрлаш жараёни ҳақида малакага эга бўлишди.

Тақдимот жараёнида ўзининг ва тенгдошлари йўл қўяётган камчиликлар, улар эришаётган ютуқларга бевосита гувоҳ бўлишди ва бу каби малакалар фақат амалиёт жараёнидагина кўринади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аралаш таълимни ўқув жараёнига жорий қилиш бир қатор муоммаларни ҳал қилишга имкон беради:

1. Таълим олувчилар учун:

– Таълимнинг камровлиги ва эгилувчанлигининг ортиши, таълим олувчининг эҳтиёжларини инобатга олиниши ҳамда ўқув материалининг ўзлаштирилиш темпи ва ритмини инобатга олиш ҳисобига таълим олувчиларнинг таълим имкониятларини кенгайтиради;

– Чекланмаган тарзда ўқув предметларини, уларнинг ўзлаштирилиш даражаларини ва ўқув жараёнининг ташкил этилиш йўллари танлаган ҳолда индивидуал ўқув режаларини амалга ошириши мумкин;

– Ўқув жараёнини персоналлаштириш: таълим олувчи ўзининг таълимга бўлган эҳтиёжлари, қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда унинг таълим мақсадларини, уларга эришиш йўллари мустақил белгилайди;

– Таълим олувчи билимини баҳолаш жараёни ва натижалар максимал равишда объектив бўлади;

– Таълим олувчининг субъект позицияси қўллаб-қувватланади: мустақиллиги, ижтимоий фаоллиги, билим олишга бўлган мотивацияси ортади;

– Таълим олувчи ўқув материални ўзлаштиришидаги қийинчиликларини енгиб ўтиш ва ўз билимидаги бўшлиқларни тўлдириш учун ўқитувчидан индивидуал маслаҳатлар олади.

2. Ўқитувчилар учун:

– Педагог кадрларнинг малакаси ошади;

– Янги авлод таълим стандартларини амалга оширишга қаратилган малакавий компетенцияларни қўлга киритади;

– Таълим соҳасида янги натижаларни қўлга киритиш мақсадида педагогик фаолият самардорлиги ортади;

– Педагогик жараёнда янги турдаги назорат ва коммуникация воситаларидан фойдаланади;

– Юқори мотивацияга эга талабалар билан сифатли таълим ташкил қилиш имкониятига эга бўлади;

– Педагогнинг услуби трансформациялашади: билимни намоиш (трансляция) қилишдан таълим олувчи билан интерфаол ҳамкорликка ўтади ва бу орқали таълим олувчиларнинг ўз билимларини шакллантиришига ёрдам беради.

3. Ўқув жараёнини ташкил қилиш учун:

– Педагогик фаолиятнинг самардорлигининг ортиши ҳисобига маблағларни иқтисод қилиш имкониятига эга бўлади;

– Кўптармоқли таълимни ташкиллаштириш туфайди таълим олувчиларнинг қўшимча контингентини жалб қилиши мумкин бўлади;

– Педагог кадрлар етишмовчилиги муаммоси ҳал бўлади;

– Бошқа таълим ва маданий эҳтиёжларни амалга ошириш учун вақтни иқтисод қилиш мақсадида ўқув фаолиятини интенсивлаштириш.

Мазкур таълим технологиясида ташкил қилинган ўқув жараёнида талабалар – тингловчига, ўқитувчилар – тьюторларга,

¹ Ranalli, J. (2008). Learning English with The Sims: Exploiting authentic computer simulation games for L2 learning. Computer Assisted Language Learning, 21(5), 441-455.

деканат ходимлари эса ўқув жараёни ташкилотчисига айланадилар.

Аралаш таълим шароитида ўқитувчи, ўқув материали ўзлаштирилишининг ривожини ва тезлигини шарҳлаган ҳолда, қайта алоқани таъминлайди.

Аралаш таълимнинг самарадорлигини ошириш учун умумий таклифларни келтириб ўтамиз:

1. Аралаш таълим мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Аралаш таълим дастури аввалдан режалаштирилган, ўқув фаолиятининг турли кўринишлари ва турлари орасида бир бирига ўтиш имкониятини берадиган қурилмага эга бўлиши керак.

2. Аралаш таълимни шакллантиришда асос сифатида таълим мақсадлари, мақсадли аудитория, таълим эҳтиёжлари, жадвал, технологиялар ва таълим қурилмасини ўз ичига олган тизимли таҳлил тузиш.

3. Билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилишининг оралиқ ва якуний назорат қилиш тизими бўлиши керак; онлайн тестлар, лойиҳа мавзуларини яратиш.

4. Мақсадли аудиториянинг таълим эҳтиёжларини, таянч билимларини, малака ва кўникмаларини, ёқтирган таълим услубларини таҳлил қилиш.

5. Аралаш таълим дастурларининг бирор мақсадларини танлаш: кўп сонли таълим оловчиларни қамраб олиш (электрон курслар, виртуал синфлар, ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш), олинган билимларнинг амалий қўлланилиши самарадорлигини ошириш (коучинг, кундалик амалий устахоналар, онлайн симуляциялар, энг яхши амалиётчиларни айирбошлаш, биргаликда ишлаш), таълим харажатларини камайтириш.

6. Ўқув фаолияти кўринишлари ва турлари мутаносиблигини оптималлаштириш: 10% - формал (одатий) таълим ва мустақил таълим (виртуал синфлар, синф ишлари, вебинарлар, ассинхрон электрон таълим, тестлар); 20% - устозлик ва тьюторлик; 70% - ноодатий таълим ва амалий машғулотлар (амалий таълим, қўшма лойиҳалар, амалий вазифалар, лаборатория ишлари).

7. Таълим оловчиларнинг турли гуруҳлари учун турли таълим сценарий ва траекторияларини ишлаб чиқиш.

8. Ҳужжатларни тайёрлаш, жумладан: таълимнинг асосий мақсадлари; таълимнинг зарур натижалари иерархияси; барча қўлланилган таълим методларининг тавсифи; аралаш таълимнинг ҳар бир компонентига ажратиладиган вақт birlikлари; таълимни қўллаб қувватловчи воситалар; бюджет ва кадрлар таъминотида қўйиладиган талаблардан иборат ҳужжатлар.

Аралаш таълим моделини жорий этиш қўйидаги таклифларни бериш мумкин:

1. Аудиторияда амалга оширишдан аввал аралаш таълим ва уни амалга ошириш тўлалигича режалаштирилиб олиниши керак.

2. Такдимот ҳажми, уни такдим этишга кетадиган вақт, электрон жиҳозлар мавжудлиги каби ташкилий масалалар гуруҳ ўртасида ҳал қилиниб олиниши зарур.

3. Бириктирилган раҳбар ўз қўл остидаги талабанинг ишлаш услубига алоҳида эътибор қаратиб, у билан вақт ва курсдошлари олдида гапириш учун кўникма ҳосил қилдириши лозим.

4. Нафақат Blended learning (аралаш таълим) ни такдимот услубида, балки, видео-блоглар тайёрлаш ва бошқа турдаги методлар услубида ҳам амалга оширилишини йўлга қўйиш лозим.

Шундай қилиб, аралаш таълимда, интернет таълим элементларини қўллагани ҳолда, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг анъанавий принципларини сақлаб қолиниши характерлидир. Таълимнинг бу икки шаклининг бири бирига нисбатан улуши таълим муассасининг ушбу таълим жараёнини ташкиллаштиришга бўлган тайёрлик даражасига ҳамда таълим оловчиларнинг хоҳиш ва техник имкониятларига боғлиқ.

Технологиялар таълимни трансформация қилмоқда, уларнинг таъсири доимий равишда ортиб бормоқда. Аралаш таълим эса ўзида анъанавий ва интерфаол таълимнинг устун тарафларини уйғунлаштирган перспективага эга таълим тизими ҳисобланади. Фикримизча, аралаш таълим шаклининг ривожини бутун таълим соҳасининг модернизация қилишнинг асосий йўналишларидан бўлиши мумкин.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Андреева Н.В., Марголис А.А. Семинар по смешанному обучению МГППУ [Электронный ресурс]. URL: <https://youtu.be/XC88p0T1EFc> (Дата обращения 19.11.2017 года).
2. Андреева Н.В., Рождественская Л.В., Ярмахов Б.Б. Шаг школы в смешанное обучение. – Москва: Буки Веди, 2016.
3. Андреева Н.В. Смешанное обучение для «чайников»: основные принципы и подходы [Электронный ресурс] // Мобильное Электронное Образование. URL: <https://mob-edu.ru/blog/videos/smешannoe-obuchenie-dlya-chajnikov/> (Дата обращения 20.11.2017 года).
4. Долгова Т.В., Кондакова М.Л., Подгорная Е.Я. Методические рекомендации для тьюторов (педагогов-кураторов), осуществляющих образовательную деятельность с использованием дистанционных образовательных технологий (для основной школы). URL: metod.mob-edu.ru (Дата обращения 19.11.2017 года).
5. Долгова Т.В. От нового учебника к новой педагогике (презентация) [Электронный ресурс]. URL: https://edu.tatar.ru/upload/images/files/4_%20Долгова%20презентация%20для%20Казани%20final.pptx (Дата обращения 19.11.2017 года).
6. Кондакова М.Л. Латыпова Е.В. Смешанное обучение: ведущие образовательные технологии современности // Вестник образования. 29 мая 2013.
7. Государев И.Б. К вопросу о терминологии электронного обучения // Человек и образование. – № 1 (42) 2015. – С. 180-183.
8. Десятова Л.В. Использование модели смешанного обучения (Blended learning) для создания и апробирования курса ИКТ для поддержки обучения по базовой программе. – Москва: Издательский дом «Первое сентября», 2010. – № 13. – С. 7.
9. Желнова Е.В. 8 этапов смешанного обучения (обзор статьи «Missed Steps» Дарлин Пейнтер // Training & Development). URL: <http://www.obs.ru/interest/publ/?thread=57>.
10. Clarc D. Blended Learning // CEO Epic Group plc, 52 Old Stein, Brighton BN1 1NH, 2003. P. 23. 4. Dudney G., Hockly N. How to...Teach English with Technology // Pearson Education Limited Edinburgh Gate Harlow Essex CM20 2JE England and Associated Companies throughout the world. 2007. P. 15.
11. Purnima V. Blended Learning Models // Published: August 2002. P. 1. URL: <http://www.learningcircuits.org/2002/aug2002/valiathan.html>.
12. Rossett A., Vaughan F., Blended learning CEO Epic Group plc, 52 Old Steine, Brighton BN1 1NH, 2003, URL: <http://www.obs.ru/interest/publ/?thread=57>.
13. Larry Bielawski David Metcalf Blended eLearning: Integrating Knowledge, Performance, Support, and Online Learning, 2003 by HRD Press, Inc.
14. Means, B., Toyama, Y., Murphy, R., Bakia, M., & Jones, K. (2010, September). Evaluation of Evidence-Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies.
15. Ru-Chu Shih. Australasian Journal of Educational Technology 2010, 26(6),883-897.
16. de Leng, B.A., Dolmans, D.H.J.M., Donkers, H.L.M., Muijtjens, A.M.M.& van der Vleuten, C.P.M. (2010). Instruments to explore Blended learning: Modifying a method to analyze online communication for the analysis of face –to-face communication. Computers& education,55,644-651.
17. Derntl,M.&Motschnig-Pitrik R.(2005). The role of structure, patterns, and people in Blended learning. The Internet and Higher Education,8,111-130
18. Gupta R. Learning from our students: Technology in the ESP classroom, 2006. Internet Journal of e-Language Learning &Teaching. 3(2),14-27
19. Ranalli J. Learning English with The Sims: Exploiting authentic computer simulation games for L2 learning, 2008. Computer Assisted Language Learning,21(5),441-455.
20. So H.J. & Brush T.A. Student perceptions of collaborative learning, social presence and satisfaction in a Blended learning environment: Relationships and critical factors, 2008. Computers and Education ,51,318-336.